Ilm o'zni bilmakdir

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

*1931 йилдан чиқа бошлаган* 1998 йил 24 июнь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 46 (7043)

*Da'vat*

**Тилнинг ақлдан олдинга кетишига йўл қўйма.**

**ХИЛОН**

*Ibrat*

Пойтахтимиздаги Германия Федератив Республикаси элчихонасида Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 60-гимназиянинг 16 нафар битирувчисига немис тилини мукаммал ўзлаштирганликлари учун 2-даражали Халқаро дипломлар топширилди. Бу дипломлар иқтидорли ўқувчиларга Германиянинг хоҳлаган олий ўқув юртига немис тилидан имтиҳонсиз кириб, таълим олиш ҳуқуқини беради.

«Yil tarbiyachisi-98»

## ҲАММА ҒОЛИБ БЎЛДИ



Газетанинг аввалги сонларидан бирида хабар берганимиздек, 16—19 июнь кунлари Тошкент шаҳрида ХТВ томонидан вилоят кўрик-танловида I ўринни олган ғолибларнинг фестивали бўлиб ўтди.

Анжуман аввалгиларидан айрича — ноанъанавий тарзда ташкил этилди. Унда мужассам машғулотлар намойиш қилинди. Фестивалда республикамиз вилоятлари ва Тошкент шаҳридан жами 14 нафар тарбиячи иштирок этди. Фестиваль иштирокчилари аввал «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури», «Соғлом авлод учун», «Болалар боғчасида таълим-тарбия» дастурлари асосидаги назарий билимларини тест орқали намойиш қилдилар. Сўнгра пойтахтнинг Шайхонтоҳур туманидаги 84-болалар боғчасида «Ўз касбингизни яхши биласизми?» мавзусида янги педагогик технологиялар бўйича ранг-баранг, қизиқарли машғулотлар ўтказишиб, ўз маҳоратларини моҳирлик билан кўрсатдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, тарбиячилар мазкур боғчадаги нотаниш болалар иштирокида гўё ўз гуруҳлари дилбандлари билан навбатдаги машғулотларни ўтказишаётганига сира шубҳа қилмайсиз.

Мураббийлар оз фурсат мобайнида нуридийдалар кўнглига шу даражада йўл топганларки, болажонлар уларнинг ҳар бир саволларига тўғри жавоб бериб, топшириқларини аниқ бажардилар.

Фестиваль қатнашчилари ботаника, ҳайвонот боғларида бўлишиб, у ердаги табиат ва ҳайвонот олами билан яқиндан танишдилар. Китоб ва ўйинчоқ дўконларида ҳам бўлишиб, «Дастурни яхши биласизми?» мавзуси бўйича ўз билимларини намойиш этдилар.

Куннинг иккинчи ярмида «Анҳор» кафесида «Бола тарбиясида аёлнинг тутган ўрни» мавзуида давра суҳбати бўлди. Давра суҳбатини «Бошланғич таълим» журнали бош муҳаррири Зуҳра Шокирова очиб, сўзни «Оила» илмий-амалий маркази директори Ойниса Мусурмоновага беради.

— Азиз опа-сингиллар, қадрли дугоналар, — деди О. Мусурмонова, — биз Тўмарис, Нодирабегим, Зебунисо авлодларимиз. Ҳаётдаги барча синовларга доимо тайёрмиз. Жамиятда ҳам, ижодда ҳам, оилада ҳам ўз салоҳиятимизга эгамиз. Вазирлар Маҳкамасида 7 та дастур ишлаб чиқилган бўлса, уларнинг барчасини сизлар амалга оширяпсизлар. Келажак авлодимизнинг тақдири сиз — тарбиячилар қўлида. Ана шундай шарафли ва айни чоғда масъулиятли ишингизда омад ҳамиша ёр бўлсин

(Давоми 2-бетда)

**● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизда биринчи бўлиб давлатга ғалла сотиш бўйича йиллик режани бажарган Хоразм вилояти ғаллакорларига ва барча меҳнаткашларига табрик йўллади.**

**● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов АҚШнинг «Ньюмонт Голд» компанияси раиси, президенти ҳамда бош ижрочи директори Рональд Кэмбри раҳбарлигидаги ушбу компания делегациясини қабул қилди.**

**● 23 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Болгарияга расмий ташрифи бошланди.**

**● Тошкентда Республика Марказий**

## JUMLADA JAHON

**банки бошқарувининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтиб, унда Президент Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.**

**● Канада ташқи ишлар вазири Эксуорси БМТ Бош котиби Кофи Аннан билан учрашганидан сўнг, Косово муаммоси фақат музокаралар йўли билан ҳал этилиши, бунда НАТО қуролли кучларидан фойдаланиш фақат БМТ рухсатидан кейингина мумкинлигини айтди.**

**● Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ижроия котиби Борис Березовскийнинг Кавказ республикалари бўйлаб давом этаётган сафари мобайнида арман — озарбайжон можароларини тинч йўл билан ҳал этиш масалалари муҳокама қилинди.**

**● Рим Папаси Иоанн Павел Иккинчи Австрия Республикасига қилган ташрифи чоғида катта ваъзхонлик уюштириб, мамлакат католикларини ўзаро ҳамжихатликка чақирди.**

Munosabat

## ЭРКИН ШАХСНИ ТАРБИЯЛАШ БИЗНИНГ ЗИММАМИЗДА

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Тафаккур» журнали бош муҳаррири билан суҳбати ўта долзарблиги, чин юракдан айтилган самимий ниятлар, айни вақтда куюнчаклик билан келажагимиз ҳақида қайғурганлиги барчанинг эътиборини тортди. Жумладан, мактабимиз муаллимлари ўртасида ҳам бу суҳбат кизиқиш билан ўқиб чиқилди ва муҳокама қилинди.

Аввало шуни таъкидлаш керакки, барча соҳаларда бўлгани каби, таълим-тарбия соҳасида ҳам олиб борилаётган ислоҳотлар ташаббускори бўлган юртбошимизнинг ҳар қачон, ҳар ерда бу соҳада гапираётган сўзлари биз — ислоҳотнинг ижрочиларига, мазмун-моҳиятини, мақсадини аниқ-тиниқ англатишга қаратилган.

«Фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги ҳар қандай иқтисодий ёки сиёсий қарамликдан кўра даҳшатлидир», деган гапнинг ўзиёқ биз муаллимларга ўз фикрига эга бўлган, лозим бўлса ўз мустақил фикрини ҳимоя қила оладиган, ўзгалар таъсирига кўр-кўрона муте бўлиб қолмайдиган ёшларни тарбиялашдек масъулиятли ва машаққатли вазифани юклайди.

Бизнинг мактабимизда адабиёт фани чуқур ўргатиладиган гимназия синфлари мавжуд. Ўқитувчилар ўқувчиларга ўзлари тузган дастур асосида баҳс-мунозара, ўқилган асарлар ҳақида мустақил фикр юритиш, газета ва журналлар шарҳи, мақолаларга ижодий ва танқидий ёндошиш, радио ва ТВ эшиттириш ҳамда кўрсатувларига муносабат билдириш кабиларга ҳам катта эътибор беришмоқда. Натижада Президентимиз куюнчаклик билан айтганлари, яъни «Бизга мерос бўлиб қолган таълим-тарбия тизимининг маълум бир маъқул жиҳатлари билан бир қаторда унинг энг номақбул томони... ўқув жараёнида ўқувчи ва талабаларни мустақил ва эркин фикрлашга йўл қўймаслик» ҳолларига чек қўйилди. Ўқувчиларимиз дунёда, мамлакатимизда бўлаётган ўзгаришлар, воқеа ҳодисаларга ўз муносабатларини билдиришга, уларга нисбатан фикрларини, холис хулосаларини айтишга кўникма ҳосил қилишмоқда.

Энг қувончлиси шуки, мактабимизнинг оддий синф ўқувчиларида ҳам асосий фанларни ўрганиш баробарида атрофида кечаётган воқеа-ҳодисаларни кузатишга, баҳоли қудрат таҳлил этишга харакат сезила бошлади.

Мактабимизда қарийб 20 йилдан бери юқори синф ўқувчиларига «Автомобиль иши» фани ўқитилади. Мактабни битирган ўғил болаларимиз қўлларига ҳам етуклик шаҳодатномаси, ҳам ҳайдовчилик гувоҳномасини оладилар. Бир сўз билан айтганда, ҳунар-касб эгаси бўлиб чиқадилар. Шундан бўлса керак, мактабимизда ўқиш истаги туғилган ёшлар кўплаб мурожаат қилмоқдалар. Қўшни маҳаллалардан, бошқа мавзелардан ҳунар ўрганиш, касб эгаси бўлиб етишиш орзусида келаётган ўқувчиларни тест асосида қабул қилмоқдамиз. Ҳар йили 4—5 тадан 11-синф ўқувчилари ўқув даргоҳимизни қўлларида икки гувоҳнома билан битириб кетмоқдалар. Демак, биз «Ёш йигит-қизларимизнинг ишда, оила ва жамоа орасида ўз ўрнини тополмаслик ҳолатлари»га чек қўйиб, ўқувчиларимизни шундай тарбиялаётган эканмиз, «Дунёга умид билан қадам қўйиб келаётган навниҳол инсон ҳаётдан муносиб ўрнини топса, турмушидан, тақдиридан, ватанидан рози бўлиб яшайди, умр бўйи бунёдкорлик фаолияти билан машғул бўлади».

Таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш йўлида яна кўпгина ишлар олиб борияпти. Ҳар бир фан бўйича мутахассис олим, услубчи ва ўқитувчидан иборат ишчи гуруҳлари тузилиб, янги дастур ва дарсликлар устида ишлар қизғин давом этяпти. Адабиёт фанидан яратилаётган янги дастурнинг 1998/99 ўқув йилида бизнинг мактабда синовдан ўтказилиши, ўқув даргоҳимизнинг тажриба марказига айлантирилиши ҳам бежиз эмас. «Бугун жаҳон биздан ўз сўзимизни айтишимизни, ўз тафаккуримизни намоён этишимизни талаб қилмоқда» экан, ёшлар тақдири бизнинг қўлимизда экан, «Куч-билим ва тафаккурда» экан, биз мураббийлар ҳам бор кучимизни аямай, фахрланса арзигулик ўқувчиларни камолга етказишга ҳаракат қиламиз.

Зеро, келажагимиз ёшлар қўлида, шунинг учун, бизнинг вазифамиз ва мақсадимиз эркин шахсни тарбиялашдир. Президентимизнинг «Жаҳолат — маърифатнинг кушандаси», «Маънавиятимиз қўлимизда енгилмас кучга айлансин», «Жамиятимиз мафкураси халқни — халқ, миллатни — миллат қилишга хизмат этсин», «Мафкурасиз одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотади», деган даъватлари таълим-тарбиядаги асосий йўналиш бўлиб қолади.

**Маҳмуда ВАЛИЕВА,**
**Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 274-мактаб ўқитувчиси**

Bolangizga darslik oldingizmi?

**Газетамизнинг ўтган сонларидан бирида, Қашқадарё вилояти Яккабоғ тумани хокимлигининг фармойишига кўра, оталиқ ташкилотлари томонидан туман мактаблари эҳтиёжи учун 4 миллион 790 минг сўм ажратилиши хусусида хабар берган эдик. Мазкур маблағ таълим муассасаларининг моддий аҳволини яхшилашга, мактабларни янги ўқув йилига тайёрлашга ва шунингдек, туманда дарсликлар муаммосини ҳал этишга сарфланиши кўзда тутилган.**

**Қувонарли томони шундаки, ўқув дарсликларининг пуллик шакли жорий этилиши ҳақида қарор чиққандан бошлаб,**

### ДАРСЛИКЛАР ТАЪМИНОТИ ҲОКИМЛАР ЭЪТИБОРИДА

**ҳокимлар, оталиқ ташкилотлар раҳбарлари ва бошқа маърифатпарвар хомийларимиз томонидан бу масалага кенг эътибор қаратила бошланди. Бу эса, кўп болали ва кам таъминланган оилаларнинг мушкулини осон қилмоқда.**

**Халқимиз азалдан маърифатпарвар халқ сифатида донг таратган. Халқимиз орасидан етишиб чиққан не-не буюк алломалар сиймоси ҳам бу фикримизни тасдиқлаб турибди. Шундай экан, бу халқ ҳали яна кўплаб даҳоларни тарбиялаб етиштиришга қодирдир.**

**Энг муҳими, халқимизнинг умидли авлоди ҳисобланмиш болажонларга бутун етарлича эътибор қарата билиш, етарлича шароит яратиб бериш зарур. Бу масалада эса, аввало жойларда, туман ва вилоят ҳокимларининг бирламчи эътиборлари ва назоратлари даркор бўлади.**

**Токи шунинг пайида бўлмоқ керакки, ҳадемай бошланадиган янги ўқув йилида болалар мактаб сари йўл олар эканлар, уларнинг бирортаси ҳам китобсиз, дарсликсиз қолмасин.**

**И. БЎРИБОЕВ**

Xorijda ta'lim

## ФРАНЦИЯДА «ТАЛАБАЛИК ОЛТИН ДАВР»МИ?

Ҳозирги кунда мамлакатимиз ва Франция Республикаси ўртасида маданий-иқтисодий алоқалар ривожланиб бормоқда. Шундай экан, бизни Франция ҳақидаги ҳар бир маълумот қизиқтириши мумкин. Айниқса, биз талабаларни Франция талабалари ҳаёти жуда қизиқтиради. Хўш, Францияда талабалик «олтин» даврми? Француз матбуотини мутолаа қиларканмиз, бу саволга жавоб беришга иккиланиб қоламиз. Матбуот воситаларининг ёзишича, Францияда ўз ўқиш даврини маблағ билан таъминлашга мажбур бўлаётган талабалар сони тобора кўпайиб бормоқда. Франциядаги Малакаларни ўрганиш илмий марказининг хабар қилишича, бешта талабадан биттаси ойлик маош тўланадиган тўлиқсиз иш кунига эга. Агар бунга ҳар хил ишбай, соатбай унча-мунча ишларни ҳам қўшиб ҳисобланса, ҳам ўқиб, ҳам ишлаб юрганлар сони талабаларнинг умумий сонининг ярмини ташкил қилади.

Талабалар ҳаётини ўрганиш маркази 28000 талаба ўртасида ўтказган сўровларнинг кўрсатиши бўйича 20 ёшдаги 1-босқич талабаларининг тўртдан бир қисми, 23 ёшдаги 2-3-босқичлар талабаларининг ҳар иккитасидан бири ўқишдан ташқари бирор иш билан ҳам машғул экан.

Ўқиш даврининг тобора чўзилиб бораётганлиги, ўқишни давом эттириш учун кўпроқ пул зарур бўлиши ҳам ўқиб, ҳам ишлаб юрган талабалар сонини ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Бунга яна, ижтимоий ёрдам тизимидаги камчилик ҳам ҳисса қўшмоқда. Масалани бир оз ойдинлаштириш учун Францияда ҳамма талабалар ҳам талабалик нафақасини ола олмаслигини айтиб ўтиш керак бўлади. Бу мамлакатда талаба нафақа олиши учун оилавий даромадини кўрсатувчи махсус анкетани тўлдириши керак бўлади. Агар шу анкета кўрсаткичлари бўйича талаба оиласи кам таъминланган оилалар тоифасига кирса, у ҳолда талабага нафақа тўланади. Бундан ташқари баъзи талабалар ётоқхона билан таъминланиши, баъзан эса транспортда қатнов учун қўшимча ҳақ ҳам олиши мумкин. Бундан ташқари фарзанди олий ўқув юртида таҳсил олаётган оилага даромад солиғини тўлашда имтиёз берилади. Бироқ бу имтиёз суммаси оила даромадига нисбатан фоиз ҳисобида

(Давоми 3-бетда)

## «ОҚ АЖАЛ»НИНГ ҚОРА ИШЛАРИ

Наркотик моддаларнинг инсоният келажаги учун ўта хавфли эканлиги, гиёҳвандлик кишилар тинчлигига, саломатлигига, руҳиятига қанчалик таъсир этиб, нопок ишлар, даҳшатли воқеалар юз беришига сабаб бўлаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бу эса «оқ ажалга» қарши кураш фаолиятида турли-туман усуллар қўллашни талаб этмоқда.

Бу масала умумжаҳон аҳамиятига молик масала ҳисобланиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1998 йил 8—10 июнда 185 мамлакат вакиллари иштирокида бўлган навбатдаги йиғилишида муҳокама этилди.

Ер шарининг барча нуқталарида наркотик моддаларни истеъмол қилишнинг олдини олишга ҳаракат кучаймоқда. Наркотик моддаларни ишлаб чиқариш ва улар билан савдо қилиш, бу бизнес яратиб берадиган жуда катта бойлик мамлакатлар хавфсизлигига, барқарорлигига катта хавф туғдирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли асарида наркотик моддалар ишлаб чиқариш ва улар билан савдо қилиш, унинг ҳалокатли оқибатлари мамлакат хавфсизлигига катта таҳдид солаётганлигига алоҳида аҳамият бериб ўтади.

БМТ томонидан «26 июнь — Халқаро гиёҳвандлик ва наркотик моддаларга қарши кураш куни» деб эълон қилинганлиги ҳам бежиз эмас.

Маълумотларга қараганда, дунёда гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилувчиларнинг 70 фоизини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Халқаро экспертларнинг таъкидлашига кўра, ҳозирги кунда дунёда содир этилаётган жиноятларнинг 70 фоизи бевосита ва билвосита наркотик моддалар билан боғлиқдир. Гиёҳвандлик даҳшатли касаллик ҳисобланган СПИД билан ҳам узвий равишда боғланганлигини алоҳида таъкидлаш муҳимдир. СПИДга чалинганларнинг асосий қисмини ҳам наркотик моддаларни истеъмол қилувчилар ташкил этади.

(Давоми 2-бетда)

E'tirof

**Чет мамлакатлар билан ташқи иқтисодий алоқаларнинг кенгайиши мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодий кучи мустаҳкамланишига, халқининг ҳаёт фаровонлиги ўсишига кўмаклашади. Албаттаки, буларнинг барчасида чет тили ва хусусан, инглиз тили катта аҳамиятга эга.**

**Мамлакатимизда иқтидорли кадрлар тайёрлаш учун барча ишлар қилинмоқда. Бу борада АҚШ, Ҳиндистон, Олмония, Миср, Англия, Япония, Франция каби 20 дан ортиқ мамлакатларнинг ўқув юртларида, фақаттина сўнгги тўрт йил мобайнида, Ўзбекистоннинг 1960 нафар фуқароси таълим олди.**

**Ўз навбатида, мамлакатимиз олийгоҳларида 30 дан ортиқ мамлакатларнинг 1000 дан ортиқ фуқаролари таълим олмоқдалар.**

### БИЛИМЛАР КАЛИТИ ВА ИМКОНИЯТЛАР ЭШИГИ

**Мустақиллик ўзбек мактабларига таълим ва фан соҳасида фаолият кўрсатаётган чет эл ва халқаро ташкилотлар — АКСЕЛС, АЙРЕКС, Европа кенгаши тафтиши (Умид, Тасис ва Темпус дастурлари) кабилар билан алоқаларни кенгайтириш имкониятини берди. Республика олийгоҳлари учун дарслик ёзишда англиялик олимларнинг иштирок этиши ҳақида Британия Кенгаши ҳамкорлигида шартнома имзоланди.**

**Бизнинг Тошкент Молия Институтида ҳам дунё банкининг Иқтисодий ривожланиш институти (Вашингтон), Вена давлат ходимларини тайёрлаш Институти (Австрия), Кембридж Университети ва кўплаб бошқа илмий муассасалар билан алоқа ўрнатилган.**

**Қисқаси, янги кадрлар тайёрлаш учун давлатимиз томонидан яратилаётган имкониятлар ёшларимизни қунт билан билим ўрганиш, чет тиллар, хусусан, инглиз тилини мукаммал билиш сари муҳим рағбат бўлиши, шубҳасиз. Ёшларимиз эса, ўз билимлари калити билан имкониятлар эшигини очиб кира биладилар, деб умид қиламиз.**

**Дилфуза СУЛТОНОВА,**
**Тошкент Молия институти Чет тиллар кафедраси катта ўқитувчиси**

## MMM XABARLARI

### YANGI KURS ISH BOSHLADI

**Ta'lim tizimida tub islohatlar davri boshlandi. Yangicha pedagogik texnologiyalarni qo'llash davr talabi bo'lib qolmoqda. Ana shunday zarurat tufayli ToshDU qoshidagi Oliy pedagogika institutida oliy va o'rta maxsus o'quv yurtlarining professor-o'qituvchilari uchun «Oliy va o'rta maxsus ta'lim tizimida yangi pedagogik va axborot texnologiyalarini qo'llash uslubiyati» mavzyi bo'yicha malaka oshirish kursi ish boshladi.**

**Kursda ushbu institut direktori, tarix fanlari doktori, professor Sh. Sharopov, Prezident huzuridagi davlat va jamiyat qurilishi akademiyasi Respublika muvofiqlashtirish uslubiyati markazi boshlig'i, professor P. Hasanov, DTM boshlig'i, professor M. Muhitdinov va boshqa ko'plab taniqli olimlar ma'ruzalar o'qishmoqda.**

**Toshkent shahridagi oliy o'quv yurtlaridan 45 nafar professor-o'qituvchilar kursning ilk tinglovchilari bo'lishdi.**

**S. MATCHONOV**

### O'RGANAYAPMIZ

**Ma'lumki kelgusi o'quv yilidan boshlab 5-sinf o'quvchilari ham lotin yozuviga asoslangan yangi o'zbek alifbosida o'qishni boshlashadi. Shu munosabat bilan Shahrixon tumanidagi 7-maktabda yuqori sinflarga dars beruvchi o'qituvchilarga yangi alifboni o'rgatish bo'yicha maxsus kurslar tashkil etildi.**

**Mashg'ulotlarni Andijon viloyat XTB tomonidan taqdim etilgan 36 soatlik maxsus dastur asosida 7-maktabning 1-toifali o'qituvchilari Y. Sultonova va Y. Hasanovalar olib borishdi.**

**Tayyorlash kursini a'lo baholarga tugatgan 110 o'qituvchiga tuman XTBning maxsus guvohnomalari topshirildi.**

**Orifxon SHARIPOV**

### KITOBXONLAR BAYRAM QILISHDI

**Farg'ona tuman madaniyat uyida tumandagi barcha kutubxona jamoalari ishtirokida «Kitobxonlar bayrami» o'tkazildi.**

**Tadbirdan Al-Farg'oniy yubileyiga bag'ishlangan sahna ko'rinishlari, hazrati Xuvaydo haqidagi hikoyatlar, mustaqilligimizning 7-yilligiga bag'ishlangan «O'zbegim jonu-jahonim»deb nomlangan mushoira, hamda oila yiliga bag'ishlangan «Ayollarni asragin elim» deb nomlangan chiqishlar o'rin oldi.**

**Muxtasarxon KARIMOVA**

### YOZ O'TADI SOZ

**To'rtko'l tumanining Amudaryo qirg'og'ida joylashgan «Lochin» oromgohi o'quvchilarni o'z bag'riga ola boshladi. Bu yil oromgohga 600 nafar o'quvchi qabul qilinadi va ularning miriqib xordiq chiqarishlari uchun bu erda barcha sharoitlar muhayyo qilib qo'yilgan.**

**A. XURRAMOV**



(Боши 1-бетда)

# ҲАММА ҒОЛИБ БЎЛДИ

сизга, болажон мураббийлар!

Давра суҳбатида шунингдек, республика хотин-қизлар қўмитаси масъул ходими Саёҳат Иброҳимова, шоира Муҳтарама Улуғова, тарбиячилардан Шоҳида Акбарова, Раҳима Ўсарова ва бошқалар сўзга чиқдилар. Анжуманда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси директори Раҳбар Раҳмонова, «Тил ва адабиёт таълими» журнали бош муҳаррири Раъно Толипова ва бошқалар иштирок этдилар.

Хушовоз хонанда ва созандалар дилрабо қўшиқ ва куйлари билан даврага файз киритиб турдилар.

Кўрик-танлов фестивалининг якуний қисми муҳташам «Наврўз» кошонасида ўтказилди. Иштирокчилар «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»ни амалга жорий этиш борасида мактабгача таълимга оид муаммоларни ҳал этиш бўйича ҳудудларнинг иқтисодий, ижтимоий, иқлимий ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда ўз таклиф ва мулоҳазаларини саҳналаштирилган кўринишда намойиш қилдилар.

Кўрик-танлов фестивали шартларини бажаришда қатнашчиларнинг ҳар бири ўзига хос ажойиб фазилатлари билан ажралиб турдилар. «Ўз касбингизни яхши биласизми?» шартини бажаришда мужассам машғулотларни моҳирлик билан ўтказишиб, ҳақиқатан ҳам ўз соҳасининг билимдон устаси эканликларини исбот этдилар.

Анжуманда иштирок этган тарбиячиларнинг янги педагогик технологияни амалда қўллашига кўра, ширинтойлар кўнглига йўл топиши, болажонлиги сингари фазилатларига қараб «Ўз касбининг устаси», «Ижодкор тарбиячи», «Иқтидорли тарбиячи», «Зеҳни ўткир тарбиячи», «Болажон тарбиячи» сингари унвонлар берилди.

Кўрик-танлов фестивалида республика халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев иштирок этди.

— Азиз тарбиячилар, анжуманнинг бош қаҳрамонлари, иштирокчилар, болажонлар, меҳмонлар, — деди Жўра Ғаниевич, — бу йил тадбиримизни фестиваль деб номладик. Кўрик-танловдан кўрик-танлов фестивалига ўтдик. Сабаби илгарилари ғолибларга I, II, III ўринлар бериларди. Туман, вилоят миқёсида ғолибликни эгаллаган тарбиячи республикага келса-да, ўрин ололмадинг, боравер, дейилса. Улар ахир инсонпарварлигини, ўзлигини намоён қиладилар-ку! Битта услуб билан муваффақиятга эришди деб айтолмаймиз. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»ни амалга оширишда ҳар бирлари ўз йўналишлари билан иштирок этадилар. Уларнинг барчаси ғолибдирлар. Машғулот ўтказиб ўзаро тажриба алмашдилар. Шу асосда олдиларига мақсад қўйиб, ўз иш жойларида амалга оширадилар, деган умиддаман. Ўйлайманки, бу йилги ноанъанавий ташкил этилган анжуман улар хотирасида узоқ сақланади, келажакда амалга ошириладиган ишларига куч, ғайрат бағишлайди.

Сўнгра Ж. Йўлдошев фестиваль иштирокчиларининг ҳар бирига гувоҳнома ҳамда ХТВ нинг қимматбаҳо эсдалик совғаларини топширди.

Фестивалда хушовоз хонанда ва актёрлар — Азим Муллахонов, Сайёра Қозиева, Абдулҳай Каримов, Аҳрор Усмонов, Комилжон Йўлдошев, Жакбарали Тўраев, Тоҳир Саидов, Шерали Ҳожиев ўзларининг жозибали қўшиқлари, ҳазил-мутойибали чиқишлари билан анжуман қатнашчиларига хуш кайфият бағишлаб турдилар.

Тантанада халқ таълими вазири ўринбосарлари Йўлдош Саиджонов, Муртазо Султонов, республика ПФИТИ мактабгача таълим назарияси ва методикаси бўлими мудири Муҳаббат Расулова, Низомий номидаги Тошкент Давлат университети мактабгача таълим факультети катта ўқитувчиси Муқаддам Ғайбуллаева, профессор Аида Гаиповна Григорянц, БИОЭКОСАН экология лабораторияси илмий ходими Сожида Тўраева, ТШХТББ, ТШЎМОИ, вилоят ХТБ ва ВПХМОИ мактабгача таълим бўлимлари мутахассислари, боғча мудиралари иштирок этдилар.

«Йил тарбиячиси — 98» кўрик-танлов фестивалини ўтказишда республика хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси, ХТВ «Таълим-таъминот» бошқармаси, «Жаҳонгир» ва «ASEEXPRES» фирмалари, «Камолот» жамғармаси, Юнусобод туман ҳокимияти, «Наврўз» мажмуи ҳамда ҳайвонот боғи раҳбарияти ҳомийлик қилдилар.

Жонли, қизиқарли ва ранг-баранг ўтган «Йил тарбиячиси» анжумани унинг қаҳрамонлари ҳамда ташриф буюрган меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Газетанинг кейинги сонларида «Йил тарбиячиси» кўрик-танлов фестивали ғолиблари фаолияти, илғор тажрибалари, таълимнинг ноанъанавий усуллардан фойдаланиши, ўз касбига садоқати ҳақида мақолалар бериб борилади.

**Дилбар ХЎЖАЕВА,**
**«Маърифат»нинг махсус мухбири**

**Суратларда: «Йил тарбиячиси-98» кўрик-танлов фестивалидан лавҳалар.**

**Равиль АЛЬБЕКОВ ва Владимир ЛИПАТОВ олган суратлар**





# «ОҚ АЖАЛ»НИНГ ҚОРА ИШЛАРИ

(Боши 1-бетда)

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, республикамизда ўсмир-ёшлар ўртасида наркотик моддаларни хилоф равишда истеъмол қилиш кўлами ва усуллари муттасил равишда ўсиб бормоқда. Агар 1995 йили диспансер рўйхатида 36 та ўсмир ёшлар турган бўлса, 1996 йили — 125та, 1997 йилнинг 6 ойи мобайнида 250 та касалланганлар аниқланган. Энг ачинарлиси шундаки, ўқитувчи-тарбиячилар орасида ҳам наркотик моддаларни сотиш билан шуғулланиб, жиноят йўлига қадам қўйганлар учрайди. 1997 йил мобайнида умумтаълим мактабларининг ўқитувчилари томонидан гиёҳванд моддалар билан боғлиқ жиноят содир этганлар 1996 йилга нисбатан 5 фоизга кўпайган.

Гиёҳванд моддалар организмда кечадиган ҳаётий жараёнларга ва истеъмолчи организмининг барча аъзоларига кучли салбий таъсир кўрсатади. Ўсмирларнинг гиёҳвандликка ўрганиши тез юз беради. Бола илк бор наркотик моддани истеъмол қилганида, иложи борича ота-онасининг кўзига ташланмасликка интилади. Гиёҳванд моддаларни истеъмол қилган болаларда қуйидаги ўзгаришлар юз беради: боланинг кўзлари қизаради, кўз қорачиғи кенгаяди, ранги синиқиб сўна бошлайди.

Республика Таълим марказида таълим муассасаларида ўқувчи-ёшлар ўртасида наркотик моддалар истеъмол қилишнинг олдини олиш бўйича олиб борилаётган ишлар сарҳисоб қилинди. Унда умумтаълим мактабларининг ўқув-тарбиявий иш режаларида шу масаланинг акс этиши ва доимий назорат остига олиниши, ўқувчи-ёшларни оммавий спорт секциялари ва мусобақалари, тўгараклар ва маданий тадбирларга кенг жалб қилишнинг самарали йўлларини қўллаш, мактаб, маҳалла, оила ҳамкорлигидан, ҳомий ташкилотлар ва тадбиркорларнинг амалий ёрдамидан ва имкониятларидан кенг фойдаланиб, уларни бу ишга жалб қилиш лозимлиги ҳусусида сўз борди.

Таълим муассасаларида наркотик моддаларни истеъмол қилишга «мойил» бўлган ўқувчи-ёшларни аниқлаш, уларни мактаб ички назорати ҳисобига олиш ишлари мактаб педагогик жамоаси, тиббиёт ходими, мактаб психологининг ва ота-оналарнинг ўзаро ҳамкорликдаги иши бўлмоғи керак.

**Р. СУЛТОНОВ,**
**Г. СОЛИҲОВА**

## ХОРИЖ ТЎЛҚИНЛАРИДА

**АҚШ, Япония ва Европа иттифоқига аъзо мамлакатлардан бештасининг элчилари Минскдаги уйларига киришларига тўсқинлик қилинганлигига қарши норозилик сифатида Беларусдан чақириб олинган.**

* * *

**Хитой 1989 йили демократия тарафдори намойишлари бостирилганидан кейин, Вашингтон жорий этган иқтисодий санкциялардан қолганларини ҳам бекор қилишга АҚШни чақирган.**

**Вашингтон, «Америка овози» ўзбек эшиттириши.**

* * *

**Сербия вилояти Косовадаги можарога дипломатик ечим топиши учун ажратилган вақт тугаётганлиги ҳақида огоҳномалар қилинди.**

* * *

**Ироқ Президенти Саддам Ҳусайн мамлакатнинг археологик бойликларини ҳимоя қилиш борасида бир қанча чоралар кўрилишини буюрди.**

* * *

**Лондонда бугун уруш юз бераётган мамлакатлардаги болалар тақдирига бағишланган кенгаш ўтказилмоқда. Мазкур конференция ўтказилишидан мақсад урушаётган тарафлар, ҳукуматлар ва исёнчи гуруҳларга уруш зоналарида болалар ҳуқуқларини ҳурмат қилишга ундашдир.**

**Лондон, «ВВС» ўзбек хизмати**

Faxriylarimiz

# ИНСОННИ ЭЛ СУЙСА...

Халқимизнинг севимли ёзувчиларидан бири Худойберди Тўхтабоевнинг «Мунгли кўзлар» романини ҳали мактабда ўқиб юрган кезларимизда мутолаа қилган эдим. Асардаги қаҳрамонларнинг мураккаб ҳаёт йўли билан танишиб, гоҳ ачинганман, гоҳ нафратланганман, гоҳида эса уларга хайрихоҳ бўлганман. Ёш кўнглимга қаттиқ таъсир этганми, асарни тугатиб бўлиб ярим тунда ҳунгаҳўнг йиғлаганман.

Кеча муҳарририятда ишлаб турсам эшикни очиб хонага олтмишлардан ошган барваста киши кириб келди. Салом-аликдан сўнг у киши ўзини таништирди.

— Пойтахтдаги А. Икромов тумани 106-мактабнинг математика фани ўқитувчиси Атаулла Исохонов бўламан.

Қизиқ, «Мунгли кўзлар»даги Акбарнинг математика фани ўқитувчисининг исми шарифи ҳам шундай аталар эди. Савол бермоқчи бўлиб оғиз жуфтлаганимда домла фикримни сезди чоғи:

— Ҳа, ўша сиз ўйлаётган домла мен бўламан, — деб қолди.

— Ўшанда ёзувчи Худойберди ака исмимни ўзгартирмасдан ўз ҳолича бериб юборганлар...

Суҳбатимиз қизиб кетди.

У киши мактабнинг 3-синфида ўқиган кезлари математика фанидан ҳамиша «3» баҳо олиб юрган эканлар. Бир куни дарсга яхши иштирок этгани учун устозлари Қосим Юсупов «4» баҳо қўйганидан сўнг, у киши руҳланиб, математикага қизиқиб кетган эканлар. 1954 йилда Тошкент Давлат педагогика институтига сиртдан ўқишга кириб, бир пайтнинг ўзида пойтахтдаги 85-сон ўрта мактаб ўқувчиларига математика фанидан дарс бердилар. Мана қирқ йилдирки, шаҳримизнинг турли мактабларида ўқитувчилик қилиб келмоқдалар. Атаулла аканинг умр йўлдошлари Мавжуда ая боғчада ёш авлодга мусиқа сир-асрорларини ўргатмоқда. Ўғилларининг тўрттаси ҳам эл-юрт орасида обрў топган ёшлардан. Уларнинг бири ўқитувчи, бири иқтисодчи, бири видеомуҳандис, яна бири эса тадбиркорлик билан шуғулланади.

Атаулла домла кўпроқ театрга, адабиётга қизиқади. Тарихий асарларни севиб мутолаа қилади. Ёзувчи Х. Тўхтабоев ўз асарида тасвирлаганидек, домла меҳнаткаш инсон. Атаулла домлага берилган «Ўзбекистон халқ таълими аълочиси» унвони ҳам унинг ҳалол меҳнати самарасидандир. Бу кишининг кўнгли мактабда, болаларда. Туман кексалари ҳам тинибтинчимаган Атаулла Исахоновни туман «Нуроний» жамғармасининг раиси қилиб қўйишган. Элни суйсанг, эл ҳам сени суяди, деганлари шу бўлса керак-да.

**Норали ОЧИЛОВ,**
**«Маърифат» мухбири**

# ДОРИЛОМОН КУНЛАР ШУКУҲИ

Al-Farg'oniy tavalludining 1200 yilligiga

Буюк бобокалонимиз Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик тўйини нишонлаш ҳақидаги хушхабар биз илм аҳлини беҳад қувонтирди. Байрам тадбирида дунёнинг турли мамлакатларидан меҳмонлар ташриф буюрадилар. Халқимиз ўз қадрини билган ўзганинг ҳам қадрига етади, деб бежиз айтмаган. Узоқ йиллар ана шу ҳикматли сўзларга амал қилмадик, миллий қадриятларимизни унутдик, уни ҳимоя қилишдан чўчидик. Шукрлар бўлсинки, дориломон кунларга эришдик. Истиқлолимиз қуёши қалбларимизни мунаввар нурлари билан ёритди.

Фарғона водийсининг Қува шаҳрида таваллуд топган Фарғоний астрономияга оид китобларида осмон ва юлдузларнинг ҳаракати ва юлдузлар туркумлари тўғрисида аниқ маълумотлар берган. Унинг «Жавоми илм ан-ружум вал ҳаракат ас-самовий» китобида бу ҳақда батафсил ёзилган. Голландиялик арабшунос ва математик Якоб Голиус 1669 йили Амстердамда мазкур китобни араб ва лотин тилида нашр қилдириб Ал-Фарғонийнинг европача Альфрагинус номини бутун оламга ёйди. Ҳатто итальян адиби Дантенинг машҳур «Илоҳий комедияси»да ҳам улуғ зот Альфрагинус номи тилга олинади. 1464 йили Падуя шаҳрида Фарғоний тўғрисида илмий анжуман ўтказилган. Хуллас, Ал-Фарғоний Ғарбда кенг шуҳрат қозонган. Унинг асарларидан математика ҳамда географияга оид билимлар асосий ўринни эгаллайди. Алломанинг буюк хизматларидан бири шундаки, у 861 йили ал-Мутаваккиннинг буйруғи билан Нил дарёсидаги сув сатҳини ўлчайдиган асбобни тузатиш ва ўрнатиш учун Фустат, ҳозирги Қоҳира шаҳрига борган.

Аҳмад ал-Фарғонийдек буюк бобокалонимиз ҳақида дарсларда ўқувчиларга сабоқ беришимиз лозим. Жаҳонга не-не буюк зотларни танитган шундай юртнинг фарзанди эканлигимиздан юрагимиз чексиз фахр, ифтихор ҳисларига тўлиб тошади.

**Холматжон ҲАМИДОВ,**
**Бешариқ туманидаги 19-мактаб ўқитувчиси**

# ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ: ТАҲЛИЛ, ТАЪРИФ, МУЛОҲАЗА

Кейинги ўн йилликларда педагог олимлар ва ўқитувчилар диққатини жалб қилган масалалардан бири педагогик технология (ПТ) ҳисобланади. Бу мавзунинг илмий ишларда, ҳисоботларда, махсус даврий нашрларда қизғин ўрганилаётганлиги, баҳс-мунозарага сабабчи бўлаётганлиги ҳам таълим-тарбияда унинг ўрни нақадар муҳимлигидан гувоҳлик беради.

Мана бир неча йилдирки, биз ҳам шу соҳада маълум изланишларни олиб боряпмиз. Тадқиқотимизнинг мақсади ПТ тушунчаси бўйича мавжуд материалларни жамлаш, унинг назарий ва амалий жиҳатларини Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида» Қонуни ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» талаблари асосида таҳлил қилиш, пировард натижада қатор концептуал ҳолатларни ифода этиш ва Ўзбекистонда педагогик технологиянинг эмперик асосини яратишга ҳаракат қилиш, шунингдек уни илмий билимлар (тушунчалар) доирасига ўтказишдир.

Аввало нега бугунга келиб ПТга қизиқиш шунчалик кучайди, деган савол туғилади. Айтиш мумкинки, ривожланаётган давлатларда одатда биринчи навбатда ПТга таълим соҳасидаги сиёсатнинг бош вазифаси сифатида қараб келинган. Бундай ёндашиш ЮНЕСКО томонидан ҳам маъқулланди ва 1972 йилда «Таълим ривожлантириш масалалари» бўйича Халқаро Комиссиянинг раҳбари-Эдгара Форанинг маърузасида ҳам ўз ифодасини топди: «Замонавий технология таълимни модеринизациялашда ҳаракатлантирувчи кучдир».

Муҳими шундаки, Президентимиз И. Каримов томонидан миллий Дастурни рўёбга чиқариш босқичлари ҳар жиҳатдан илмий асослаб берилди ва унинг иккинчи босқичида (2001—2005 йиллар) «ўқув-тарбиявий жараёни илғор педагогик техналогиялар билан таъминлаш» муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланди.

Хўш, педагогик технология нима? Уни амалиётга қандай жорий қилиш мумкин?

Дастлаб «технология» тушунчасига аниқлик киритайлик. Бу сўз фанга 1872 йилда кириб келди ва грекча икки сўздан — «технос» — ҳунар ва «логос» — фан сўзларидан ташкил топиб «ҳунар фани» маъносини англатади. Бироқ бу ифода замонавий технологик жараённи тўлиқ тавсифлаб беролмайди, ёҳуд технологик жараён — бу меҳнат қуроллари билан меҳнат воситаларига таъсир этиш натижасида маҳсулот яратиш соҳасидаги меҳнат, жараён тушунилади. Демак, бу таърифни тадқиқотимиз мавзусига кўчириш мумкин, унда: ПТ — бу ўқитувчи (тарбиячи) томонидан ўқитиш (тарбия) воситалари ёрдамида ўқувчиларга таъсир кўрсатиш ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда муайян шахс сифатларини шакллантириш жараёни, деб таърифласак хато бўлмайди.

Қатор йиллардан бери ПТга ўқув жараёнини техник воситалар ёрдамида амалга ошириш деб қараб келинди. Фақат 70-йиллардан бошлаб педагогик адабиётларда бу тушунча янгича талқин этила бошланди. Япон олими Т. Сакамото, поляк олими Дж. Брунерлар «ўқитиш технологияси — бу ўқитишни мақбуллигини таъминловчи маълум йўл-йўриқлар тизими билан боғлиқ билимлар соҳаси» эканлигини эътироф этишди. Тизимли ёндашиш таъсири остида аста-секинлик билан педагогик технология моҳиятига аниқлик киритила борилди ва рус олимаси Н.Ф. Тализина унинг моҳиятини «белгиланган ўқув мақсадига эришишнинг оқилона усулларини аниқлашдан иборат» деб тушунтирди.

Юқорида келтирилган таърифлардан кўриниб турибдики, ўтган йилларда ПТ ўқув жараёнини берилган дастлабки таълим мақсади ва мазмунидан келиб чиқиб лойиҳалаш, дея ифодаланди. Бу бир жиҳатдан тўғри, лекин теранроқ фикр юритилса, унинг бир ёқламалиги яққол кўзга ташланади, ёки бундай ёндашишда ўқувчи шахси инкор этиляпти. Бу камчиликни биринчи бўлиб акад. В. Беспалько пайқади ва ўзининг йирик асарида «ПТ — бу ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда педагогик муваффақиятни кафолатлай оладиган ўқувчи шахсини шакллантириш жараёнини ифодалаш-лойиҳалашдир» деб таърифлади.

Шу ўринда ҳамкасбимиз Ҳ. Абдукаримовнинг «Маърифат»да босилган «Замонавий педагогик технология нима?» (1998 й., 27 май) мақоласини дидактик нуқтаи назардан баҳолашни газетахонлар ҳукмига ҳавола этайлик-да, ундаги бир-бирига зид ва илмий асосланмаган икки таърифни келтириб ўтамиз: «Миллий дастур» — бу янгича педагогик технологиянинг ўзи», «педагогик технология — педагогик маҳорат тўғрисидаги фан» деб тавсифлайди. Бу борадаги таърифларнинг хилма-хиллиги бир томондан бу мавзунинг у ёки бу жиҳати сохта ечилганлигини кўрсатса, иккинчи томондан ПТни таълим амалиётига жорий этишга бўлган уринишларни ифодалайди.

Қатор йиллар давомида ПТ назарияси ва амалиёти бир-бирига боғлик бўлмаган ҳолда ўрганиб келинди ва у турли фаолият доирасида эди. Бугунги кунда мутахассисларнинг илмий салоҳиятини бирлаштиришга мамлакатимизда имкониятлар туғилди. Назария ва амалиёт бирлигининг таъминланаётганлиги замонавий ПТнинг асл моҳиятини аниқлашга йўл очмоқда.

Бизнинг фикримизча, янги ПТга педагогика фанининг алоҳида тармоғи сифатида қараш ёки фақат таълим амалиётини мақбуллаштиришга йўналтирилган тизим деб қараш мумкин эмас. ПТ бу соҳадаги назарий ва амалий изланишларни бирлаштириш доирасидаги фаолият йўналишларини аниқлайди. Бу ерда изланишнинг моҳияти — педагогик тизимни ташкил этувчи элементларни ўрганиш асосида модернизация қилишдан иборат. Сабаби, ҳар қандай ўқув-тарбиявий жараённи ташкил этиш у ёки бу педагогик тизимни акс эттиради. Демак, ПТ — амалиётга жорий этиш мумкин бўлган маълум педагогик тизимнинг лойиҳасидир.

Унда, педагогик тизим моҳияти нимадан иборат? Педагогик тизим ўзаро боғлиқ бўлган воситалар, усуллар ва жараёнлар йиғиндиси бўлиб, шахсдаги муайян сифатларни шакллантиришга педагогик таъсир этишни мақсадга мувофиқ тарзда амалга оширади. Бинобарин, ҳар бир жамиятда шахсни шакллантириш мақсади белгилаб олинади ва унга мос равишда педагогик тизим мавжуд бўлиши керак. Агар мақсад ўзгарса тизим ҳам ўзгариши шарт.

«Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган ҳар томонлама ривожланган шахсни тарбиялашни асосий мақсад қилиб қўйди. Демак, миллий дастур бизда таълим ва тарбия соҳасидаги давлат буюртмаси сифатида қабул қилинаяпти. Фақат давлат буюртмасигина таълим ва тарбиянинг аниқ мақсад ва вазифаларини белгилаб беради ёки олий (ўрта махсус, касб-ҳунар) таълим учун ПТнинг мавжудлик шартларини кафолатлайди.

Қуйида таълим турлари учун умумий бўлган педагогик тизим лойиҳасини келтирамиз:




Олиб борилган тадқиқот ишларининг натижалари ҳар қандай педагогик тизим ўзаро боғлиқ бўлган қуйидаги инвариатив элементлардан ташкил топишини кўрсатиб берди: 1) талабалар; 2) таълим ва тарбия мақсади (умумий ва хусусий); 3) таълим ва тарбиянинг мазмуни; 4) таълим (тарбия) жараёни ёки дидактик жараён; 5) педагог ёки ўқитишнинг техникавий воситалари; 6) таълим ва тарбиянинг ташкилий шакллари.

Расмда келтирилган педагогик тизим ҳар қандай илмий назарияга хос бўлгани каби қуйидаги икки тушунчани қамраб олади: дидактик масалалар ва уларни ҳал этиш технологияси. Дидактик масалалар педагогик тизим доирасида инсон фаолиятининг ҳар қандай соҳаси каби аниқ мақсад ва унга эришиш учун шарт-шароитлар ҳамда бу фаолият учун ахборотлар (мазмун) бўлиши керак.

Дидактик масалаларни ҳал этиш мақсади шахснинг маълум сифатларини шакллантириш зарурати бўлса, шарт-шароитлар — талабаларнинг бошланғич сифат кўрсаткичлари, ахборот эса — ўқув предметининг мазмуни ёки тарбиявий таъсиридир.

Ҳар бир дидактик масала педагогик тизимда ўзига мос келадиган ўқитиш технологияси элементлари билан ҳал қилинади, улар: дидактик жараён, педагог ёки ўқитишнинг техник воситалари ҳамда ўқитишнинг ташкилий шакллари.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, педагог-методистлар ҳозирга қадар дидактик масалаларни аниқ ифодалашга ва унга мос келадиган ўқитиш технологиясини ишлаб чиқишга эътибор бермаганлар. Шу нуқтаи назардан миллий дастур ижтимоий буюртма сифатида янги педагогик технологияни яратиш ва амалиётга жорий этиш мажбуриятини юклади. Дарвоқе, педагогик технологияга «янги» сўзининг қўшиб ишлатилиши назариячи олимларимиз ва ўқитувчиларни бир қадар ўйлантириб қўйди, эндиликда таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашга эскича ёндашиш мумкин эмаслигини англаб етмоқдалар. Шундай экан, педагогик технологияни қандай янгилаш мумкин? Эътиборни юқорида берилган расмга, ПТ тузилишига қаратайлик. Бу тизимга узлуксиз равишда ижтимоий буюртма ўз таъсирини кўрсатади ва таълим-тарбия мақсадини умумий ҳолда белгилаб беради. «Мақсад» (2-элемент) эса ПТ нинг бош бўғини ҳисобланиб, у педагогик тизимнинг қолган элементларини ўз навбатида янгилаш зарурятини келтириб чиқаради. «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» таълим-тарбиянинг мақсадини янги йўналишга бурди, яъни «ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берадиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш» деб бел-

## ХАЙРЛАШУВ

Тошкент Давлат Техника университети қошидаги миллий лицей-интернатда ҳам битирув кечаси ўтказилди.

Авваламбор, уч йилда қадрдонга, сирдошга айланиб улгуришган синфдошларнинг бир-биридан ажралишига кўзлари қиймаётганлигини сўзлари ҳам, кўзлари ҳам ифодалаб турарди. Ўқувчилар устозларга бўлган самимий миннатдорчиликларини такрор-такрор шеър ила, қўшиқ ила изҳор этишдан чарчашмади.

Ҳа! Шогирдларга ҳам оқ йўл тиланди. Шу масканнинг юзи бўлган шогирдларнинг камолини қандай устоз хоҳламайди.

Лицей директори, техника фанлари номзоди, доцент Абдуқодир Норқуловнинг айтишича, ўтган йилларда лицей битирувчиларларининг 98 фоизи турли олий ўқув юртларининг талабалари бўлишган. Бу йилги битирувчилардан умид ҳам, ишонч ҳам катта. Ўқиш учун барча шароитлар муҳайё этилган, Университетнинг профессору доцентлари, қолаверса, инглиз тилидан АҚШ «Тинчлик корпуси» ўқитувчилари сабоғини олган ўқувчиларнинг бу ишончни оқламаслиги мумкинми.

Хуллас, куй, қўшиқ анчагача давом этди, бу кечанинг тугашини ҳеч ким хоҳламаётгандек эди.

**Рустам БОЙМАТОВ**

## ҚЎШ БАЙРАМ ШУКУҲИ

Фарғона вилояти Фурқат туманидаги 15-мактабда йигит-қизларнинг каттагина битирув базми ташкил этилди. «Оқшом» кечасида ҳамма бир-бирини гулдасталар билан қутлаб, эзгу тилакларини билдиришди. Эътиборлиси шундаки, тадбир уч нафар муаллимнинг юбилей тантанасига уланиб кетди. Битирувчи йигит-қизлар ўзларини бошланғич синфда ўқитган Рақибахон Тўйчиева ҳамда тил ва адабиёт ўқитувчиси, синф раҳбари Муборакхон Эсоновани 50 ёшга, рус тилидан сабоқ берган ўқитувчилари Алижон Эргашевни 55 ёшга тўлганликлари ва нафақага узатилаётганликлари билан чин дилдан қутладилар. Уларга маърифат чашмаларидан баҳраманд этганлари учун миннатдорчилик билдирдилар.

Туман халқ таълими бўлими вакиллари эса ўзлари билан олиб келган қимматбаҳо совғаларни энди набиралар қуршовида кексалик гаштини суришга чоғланган фахрий муаллимларга топширдилар. Тадбирдан сўнг бир пиёла чой устида суҳбат қурилди. Яхши кунлар, қувноқ дақиқалар эсга олинди. Шогирдлар, издошлар ўзларининг устозлари олиб борган ишни янада ривожлантириб, давом эттиражакларини изҳор қилдилар. Шеърхонлигу яллалар, лапару рақслар даврага ўзгача шукуҳ бағишлади.

**Аваз ҲАЙДАРОВ**

## ФРАНЦИЯДА «ТАЛАБАЛИК ОЛТИН ДАВР»МИ?

**(Боши 1-бетда)**

белгиланади. Кўпчилик французларда мана шу ерда адолатсизликка йўл қўйилмоқда, деб ҳисоблашмоқда. Чунки энг кам таъминланган оила ҳам имтиёзга, ҳам нафақага эга бўлади, даромади жуда катта бўлган оилага фоиз ҳисобида белгиланган имтиёз мўмайгина суммани ташкил қилади. Ўрта ҳол оила эса, ҳам талаба фарзандига тўланадиган нафақага эга бўлмайди, ҳам даромадига нисбатан фоиз ҳисобида белгиланган имтиёз суммаси ҳам катта эмас, ўртача бўлади. Шундай қилиб, давлат бюджетига анчагина қимматга тушаётган (26,6 млрд франк; 1 франк = 6 АҚШ доллари) ижтимоий ҳимоя тизими олий таълим олиш имкониятини жамиятнинг уччала тоифасига ҳам тенг бўлишини таъминлай олмаяпти.

Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ўзига тўқ оила фарзанди ўқишдан ташқари иш топишда ўзи ўқиётган соҳа билан боғлиқ бўлган ишни танлаш имкониятига эга ва бу уларга кейинчалик ҳам, яъни ўқиш тамом бўлгач, бирор лавозимни эгаллашга имкон беради. Молиявий жиҳатдан қийналган оила фарзанди бундай танлаш имкониятига эга эмас, чунки у биринчи дуч келган ишни ўз соҳасига боғлиқ ёки боғлиқ эмаслигига қарамай бажариб кетаверишга мажбур бўлмоқда.

Ҳозирги кунда ҳукумат бу масалани ҳал қилишга киришишни ваъда қилмоқда. Бу борада талабаларнинг ўзлари нима дейди?

— «Мен ва синглим ёлғиз онамиз қўлида вояга етдик. Малакоф психология факультетига ўқишга киргач, ўзимни маблағ билан таъминлашга мажбур бўлдим», — дейди 2-босқич толибаси, 19 ёшли Жюли, — репетиторлик қилдим, энагалик ва бошқа шунга ўхшаш ишларни қилиб юрдим. Ҳозирда ҳафтанинг уч кунида дарсдан сўнг соат $19^{00}$дан $2^{00}$ гача тунги барда бармен ёрдамчиси бўлиб ишлайман. Маошим яхши, бироқ баъзан дарс пайтида ухлаб қолишим ёмон. Кутубхонада бемалол ўтириб дарс қилишга етарли вақт тополмайман. Ҳеч бўлмаса, ўз соҳамга боғлиқ бўлган бирор иш топганимда ҳаммаси яхши бўлар эди».

«— Ота-онам мени кийим-кечак, ётоқ жой билан таъминлашади. Бироқ бундан ташқари мен ўқишга пул тўлашим, китоблар сотиб олиш, университет ошхонасида овқатланиш учун пул топиш мақсадида ишламоқчи бўлдим. Дадам ўзи ишлайдиган савдо марказидан иш топиб берди», — дейди 2-босқич тарих факультети 20 ёшли толибаси Клэр. — «Савдо маркази»да ҳар шанба куни соат $9^{00}$дан $18^{00}$ гача кассир бўлиб ишлайман. Тўғри, бу ишни тарихга ҳеч қандай алоқаси йўқ, лекин у мени одамлар билан мулоқот қилишга ўргатади. Бу ерда мен талабалик дунёсидан чиқиб, жамиятнинг бошқа оламини кўраман. Ҳозирча ишим ўзимга ёқади».

Энди баъзи рақамларга мурожаат қилсак. 1996-1997 ўқув йилида 2155950 талаба ҳисобга олинган. Шундан 2,8 фоизи қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар фарзандлари, 9,1 фоизи ҳунармандлар, корхона бошлиқлари ва савдогарларнинг фарзандлари, 12,6 фоизи хизматчиларнинг, 13 фоизи ишчиларнинг, 34,8 фоизи эса профессорларнинг, ўқитувчиларнинг ва юқори малакали ходимларнинг фарзандлари экан. Мана шу охирги тоифадаги кишиларнинг фарзандлари учинчи босқичгача етиб борган талабаларнинг 45,4 фоизини ташкил этганлар.

Мана шу рақамлар ҳам олий таълим олиш имконияти ҳаммада ҳам тенг эмаслигини кўрсатиб турибди. Ҳозирги ҳукумат бошлиқлари ўз сайловолди компанияларида бу муаммони ҳал этиш чора-тадбирларини кўришга ваъда беришган.

**Француз матбуотига асосланган ҳолда ЎзДЖТУнинг таржимонлик куллиёти толиби Шуҳрат ЙИГИТАЛИЕВ тайёрлади.**

## РЕЙТИНГ ҚЎЛ КЕЛДИ

Malaka oshirish

«Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»ни ҳар бир киши ўзининг онг ва шуури, касб фаолияти билан боғламас экан, у миллий тараққиётимизни тушуниб етмайди. Аввало, миллий дастурни чуқур таҳлил этиб, амалга тадбиқ этувчи шахс ёки мутахассис бу ўқитувчи ҳисобланади.

Ислоҳотларни амалга оширишда асосий ижрочилардан бири ўқитувчи экан, таълим жараёнини янгилашда педагогнинг малакасини оширишга ҳам зарурат туғилади. Институтимизда курс самарадорлигини ошириш, таълим мазмунини янгилаш, янги педагогик технологияни жорий қилиш, диагностик таҳлил, курс тингловчилари, ўқувчилар билимини баҳолашнинг тест-рейтинг тизимига ўтиш ва илғор тажрибаларни ўрганиш, оммалаштириш, чоп қилиш соҳасида ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда.

Институтимиз кафедра ва бўлимлари томонидан 1997 йил ва 1998 йилнинг ўтган даври ичида 94 та мактаб, мактабдан ташқари тарбия муассасалари, раҳбарлар ва илғор ўқитувчилардан 72 нафарнинг иш тажрибалари ўрганилди ва оммалаштирилди.

Институтимиз вилоят халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорлик ўрнатган.

Институтимиз ходимлари томонидан тайёрланган ва чоп қилинган 63 номдаги турли услубий қўлланмалар, рисолалар республика илмий конференцияси кўргазмасига қўйилди. 22 нафар институт ходимларининг илмий-методик мақолалари, тезислари биринчи тўпламда нашр қилинди.

Бозор иқтисодиёти шароитида малака ошириш шаклларини такомиллаштириш мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди. Унда малака ошириш шаклларини такомиллаштириш, мустақил равишда ишлашнинг ўқитувчи педагогик маҳоратини оширишга таъсири, тизимда тест-рейтингдан фойдаланиш каби мавзулар қамраб олинди.

1997 йилнинг апрель ойидан бошлаб институтимизда тингловчиларнинг олган билимларини баҳолашда рейтинг тизими қўллана бошланди. Рейтинг мезонларига курсларнинг 7 йўналиш, 21 имкониятдан олиши лозим бўлган максимал равишдаги 400 балли белгиланди. «Аъло» даражада қатнашганлиги учун 300—400 балл, «яхши» даражада қатнашганлиги учун 250—300 балл, «қониқарли» даражада қатнашганлиги учун 150-250 балл, «қониқарсиз» даражада қатнашганлиги учун 100-150 балл бўлиши тингловчиларга маълум қилинди.

Шуниси эътиборга лойиқки, рейтинг мезонлари қўлланилган дастлабки даврда ҳар бир курсда аъло даражада қатнашганлар сони саноқли тингловчиларни ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда улар сони кескин ортди. Рейтингдан юқори балл олиш ҳар бир курс тингловчисининг истагига айланди.

Рейтинг натижалари шаҳар ва туман халқ таълими бўлимларига юборилмоқда. Улар ўқитувчиларга тоифа белгилашда, раҳбарлик лавозимларига тайинлашда ва рағбатлантиришда қўл келмоқда.

Рейтинг натижаларига кўра, энг юқори балл олган курс тингловчисининг номи институт фахрий китобига ёзилади ва «Фахрий ёрлиқ» билан тақдирланишади. Шубҳа йўқки, кўҳна ва ҳамиша навқирон Хоразмда илму-маърифатнинг ривожланиши халқ таълими ходимларининг саъй-ҳаракатига боғлиқ. Олдинги сафда ўзимиз турар эканмиз, ўқитувчилар билим даражасини такомиллаштиришга ўзимиз масъулмиз.

**Йўлдош БОБОЖОНОВ,
Хоразм вилояти педагог ходимлари малакасини ошириш институти ректори**

Yil o'qituvchisi

## РУСТАМ МАҲОРАТИ ДОСТОН БЎЛДИ

**Қорақалпоғистон Республикаси мактаблари ўртасида «Йил ўқитувчиси—98» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда 16 нафар ўқитувчи ўз омадини синаб кўришди.**

**Беллашувда Беруний туманидаги 38-ўрта мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Рустам Худойбергановга омад кулиб боқди.**

**Ёш иқтидорли муаллим фахрли биринчи ўринни олиб, Ўзбекистон миқёсидаги навбатдаги кўрик-танловда иштирок этиш учун йўлланма олди.**

**Танлов фестивалида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши раиси ўринбосари Т. Атамуротов, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири Б. Султонов қатнашди ва ғолибларни табриклади.**

**Ғойиб ЁҚУБОВ**



**Беҳзод Ўроқов ва Асрор Ҳақназаровлар бир неча йилдан буён Денов туманидаги техник моделлаштириш марказининг ёғоч ўймакорлиги тўгарагига қатнашади. Уларнинг ишлари вилоятда 1-ўринни эгаллашга ҳам муваффақ бўлган.**

**Суратда: марказ директори Д.Эшқобилов уларнинг ижодлари билан танишмоқда.**

**Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат**

Taqriz

## МУҲИМ МАВЗУГА БАҒИШЛАНГАН ҚЎЛЛАНМА

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан буён республика Президенти И. Каримовнинг иқтисодиётга, бозор иқтисодиётининг кўп қиррали муаммо ва масалаларига бағишланган кўпгина асарлари эълон қилинди. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти «Иқтисодиёт назарияси» кафедрасининг катта ўқитувчиси А. Жалиловнинг «И. А. Каримовнинг асарларидан «Иқтисодиёт назарияси» фанини ўрганишда фойдаланиш» китоби фақат «Иқтисодиёт назарияси» курсини ўрганувчиларгагина эмас, балки аниқ иқтисодий фанларни ўрганувчи талабаларга ҳам, институтни тамомлаш арафасида диплом иши ёзаётган илм толибларига ҳам, иқтисод фанларидан назорат ишлари ёзадиган сиртдан ўқувчи талабаларга ҳам асқотади.

Китобда республикамиз Президенти, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги И. Каримов асарларидаги иқтисодиётга оид фикрлар, мулоҳазалар, мушоҳадалар, тавсиялар «Иқтисодиёт назарияси» ўқув дастурининг ҳар бир мавзуи бўйича берилган. Шу ҳол диққатга сазоворки, муаллиф Президент И. Каримовнинг иқтисодга доир асарларидан фойдаланишда уч хил йўл тутган. Айрим ўринларда талабанинг эътибори Президентнинг маълум бир асари аниқ бетларига тортилса, баъзан фикрлар цитата тарзида талқин қилинган. Яна айрим ҳолларда Президент фикр-мулоҳазалари муаллиф шарҳлари билан изоҳлаб берилган.

Қўлланмада «Иқтисодиёт назариясининг предмети ва методи» мавзусини ўтишда Президентнинг иқтисодиётда ҳақиқатни билиш, бунинг учун пухта, тўғри, илмий таҳлил этилган рақам ва фактлардан фойдаланиш, «Иқтисодиёт назарияси»ни ўқитишдаги Шўролар давридаги кишанланган назариялардан халос бўлиш тўғрисидаги доно фикрлари диққатни жалб этувчи бир неча цитаталарда берилган.

«Социал-иқтисодий эҳтиёжлар» мавзуини ўтиш учун ҳам И. Каримовнинг республика иқтисодиёти Шўролар ҳукмронлиги даврида, хусусан марказга ва бошқа минтақаларга боғлаб қўйилганлиги, Узбекистон собиқ иттифоқнинг асосан хом ашё базаси бўлганлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазалари жуда ўринли кўрсатилган.

Қўлланмада юқорида кўрсатилган тарзда мазкур курснинг барча мавзулари берилган. Ҳар бир мавзуда Президентнинг нодир, ноёб фикрларидан цитаталар берилган. Ҳар бир цитатадан кейин у шарҳланган. Айрим ўринларда асарларидаги рақамлар, республикамиз иқтисодий ютуқлари таҳлил қилинган.

Қўлланманинг сўнгида «Иқтисодиёт назарияси» фанидаги энг сўнгги мавзу — «Жаҳон бозори. Халқаро валюта ва кредит муносабатлари» бўйича ҳам Президентнинг диққатга сазовор фикрлари берилиши билан бирга улар кенг шарҳланган.

Муаллиф бугунги кунда республиканинг жаҳон бозоридаги мавқеини мустаҳкамлаш масалаларида ҳам Президент фикрларидан жуда кенг фойдаланган. Ўзбекистон жаҳон бозорига чиқишида халқаро савдо ташкилотларининг ролига атрофлича тўхталиб, халқаро кредит масалаларига алоҳида эътибор берган.

Умуман олганда, ташқи иқтисодий фаолият соҳасида республикамизда эришилган ютуқлар жуда пухта таҳлил қилинган. Ташқи иқтисодий алоқаларда банкларнинг роли муҳимлиги таъкидланиб, ҳозирги кунда Ўзбекистонда дунёнинг жуда кўп нуфузли банкларининг ваколатхоналари очилганлиги ва улар республикага янги инвестициялар кириб келишига хизмат қилаётганлиги кўрсатилган.

Бу кичик тақризда китобнинг барча яхши томонларини тўла ёритиш, шубҳасиз қийин.

Шунга қарамай китобда айрим жузъий камчиликлар бор. Биринчидан, китобнинг биринчи бетида нима учундир муаллиф тузувчи тарзида берилган. Бизнингча, тузувчи билан муаллиф ўртасида катта фарқ бор. Тузувчи маълум нарсаларни тўплаб берувчи, муаллиф эса ёзувчи, фикрловчи, тавсифловчи шахсдир. Бундан ташқари, китобда айрим имловий хатоларга йўл қўйилган. Нима учундир Президентнинг 1996 йилгача чиққан асарлари тилга олингану кейинги йилларда ёзилган асарларидан фойдаланилмаган. Шунингдек, тест синови учун берилган намуна саволлар кўпроқ берилса, янада яхши бўлур эди.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, олий ўқув юртларига компьютер техникаси кенг кириб келиши туфайли ҳамда университет ва институтларга мустақиллик берилганлиги шарофати билан уларнинг босмахоналарида янгидан-янги ўқув қўлланмалари олам юзини кўрмоқда. Бироқ, уларнинг кўпчилиги фақат бир олий билим даргоҳи доирасида қолиб кетмоқда. Бу долзарб мавзудаги ўқув қўлланмасининг 450 нусхагина босилганлиги кишини ажаблантиради. Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ноширлик ишига мутасадди бўлими бу масалани пухта ўйлаб, энг яхши нашрларнинг кенг тарқалишига бош қўшмоғи даркор.

**Козим УМАРОВ,
доцент**

---

гилади. Демак, таълим-тарбия мақсади янгиланди, унга мос ҳолда мазмуннинг янгиланиши табиийдир.

Таълим мазмуни ўқув дастурлари, қўлланма ва дарсликларда ўз ифодасини топади. Шу муносабат билан олимларимизга фан соҳалари бўйича таълим мазмунини ишлаб чиқиш каби шарафли масъулият юклатилди.

Шундай қилиб, ПТ да дидактик масалаларнинг ўз ечимларини топиши миллий дастурни руёбга чиқаришнинг муҳим босқичидир. Агар педагог (5-элемент) қўлида билимга чанқоқ талабалар (ўқувчилар) (1), фан мақсадига (2) мос мазмун — дастур, қўлланма, дарсликлар (3) мавжуд бўлса, у дидактик жараённи (4) муваффақиятли амалга ошириш учун билиш фаолиятининг ташкилий шаклларидан (6) самарали фойланиб янги педагогик технологияни амалиётга изчил ва кетма-кет жорий этиши мумкин. Шу боисдан ўқитувчи маҳоратига кўп нарса боғлиқлиги, унинг педагогик тизимда тутган ўрни ҳақида батафсил тўхталамиз.

1. Ўқитувчи давлат буюртмасига мос келадиган таълим-тарбия **мақсадини** аниқ ва равшан белгилаши керакки, натижада маълум вақт ичида унга эришишни таъминлайдиган дидактик жараённи тузиш ва жорий этиш тўғрисида хулоса қилиш мумкин бўлсин.

2. Ўқитувчи педагогик тизимда белгиланган мақсадга тўғри келадиган ўқув-тарбиявий жараён **мазмунини** ўқув дастури бўйича чуқур эгаллаши, мунтазам равишда ўз педагогик маҳоратини илмий-техникавий тараққиёт талабларига мос ҳолда мустақил равишда кенгайтириб бориши зарур.

3. Ўқитувчи педагогик тизимнинг таркибий элементи сифатида **дидактик жараён** (ўқув-билиш фаолияти) ни амалга ошириш талаблари билан таниш бўлиши керак: бу — жадаллаштириш ва табиатан монандлик талабидир. Жадаллаштириш дидактик масалаларни маълум вақт доирасида бирмунча тез ва юқори савияда ҳал эта оладиган дидактик жараённи қўллашни талаб этади. Таълим ва тарбияда бу талабни аниқлаб берувчи омил —талабаларнинг маълум фаолиятини ўзлаштириш тезлиги ҳисобланади. Иккинчиси ўқув-тарбиявий жараённи шундай ташкил этишга асосланганки, бунда мумкин қадар талабаларнинг кенг доирада тажриба (билим ва кўникма) эгаллашига имкон туғдирадиган ва уларнинг ақлий малакасини ривожлантира оладиган механизми вужудга келсин! Бу талабни аниқлаб берувчи омиллар: талабаларнинг ўқишга бўлган хоҳиши, ўқув меҳнатига муносабати...

4. Ўқитувчи дидактик жараённи амалга оширишда ўқитишнинг самарали **шаклларидан** фойдалана олиши керак. Ўқитишнинг ташкилий шакллари тўғри танланиши педагогик тизим элементларининг маълум қонуният асосида бир-бирлари билан боғлиқ эканлигини билдиради. Бу боғланишлардан фойдаланиш ва энг мақбул бўлган ташкилий шакллар топиш таълимда расмиятчиликни йўқотишга йўл очади.

5. Ўқитувчи педагогик тизимнинг иштирокчиси бўлган **талаба (ўқувчи)нинг** таълим мазмуни ва тарбия таъсирини қай даражада эгаллаётганлигини энг мақбул усуллар ёрдамида доимо назорат қилиб бориши лозим. Бу тўғрида олинган ахборотлар эса педагогик тизимни мақсадга мувофиқ тарзда бошқариш имкониятини беради ёки педагогик тизимдаги қайси элементнинг мазмунига тузатиш киритиш керак эканлигини аниқлайди.

Шундай қилиб, педагогикага хос бўлган технологик жараённи амалиётга тадбиқ қилишда педагог маҳоратининг баъзи қирралари тўғрисида тўхталдик. ПТнинг илмий характерга эга эканлигига эътиборни қаратган ҳолда, унинг амалий йўналишга хослигини, уни аниқ масалаларни ҳал қилишда қўллаш мумкинлигини эътироф этиш керак. Фикримизнинг далили сифатида тадқиқотчи И. Мислибоевнинг «Табиатни муҳофаза қилиш маърифатининг услубий тизими» мақоласига эътиборни қаратайлик, (Касб таълими тизимида таълим комплексларини барпо қилиш ва уларнинг фаолияти муаммолари. Т.: Фан, 1996.-Б. 166—168). Биз лойиҳалаган педагогик тизимни тадқиқотчи ижодий таҳлил қилади ва ўз мавзуси бўйича услубий тизим яратади ва унинг ташкил этувчи элементларини табиатни муҳофаза қилиш маърифати билан боғлайди, яъни: табиатни муҳофаза қилиш маърифатининг мақсадини аниқ белгилайди; ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган табиатни муҳофаза қилишга оид билимлар, кўникмалар ва малакалар тизимини ишлаб чиқади; яратилган мазмун ёрдамида ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини ташкил этади ёки тажриба-синов дарсларини ҳунар билим юртларида олиб боради; билиш фаолиятининг ташкилий шаклларини табиатни муҳофаза қилиш мақсадига мос ҳолда танлайди (назарий дарс, амалий лаборатория машғулоти, ишлаб чиқариш амалиёти). Биз бу ерда тадқиқотчининг қўлга киритган илмий хулосалари тўғрисида фикр юритмаймиз, чунки бизни педагогик технологиясини амалиётга жорий қилиш муаммоси қизиқтиради. Бу эса тадқиқотчи И. Мислибоев томонидан ишончли тарзда амалга оширилган.

Демак, назарияни ўқув амалиёти билан боғлаш зарурати ва тадқиқотимиз мавзусининг назарий асосларини ўрганиш замонавий ПТ ни аниқлаб берадиган қатор ҳолатларни белгилашга имкон берди:

1. **Замонавийлик** таълим амалиётига илмий асосланган ва тажриба-синовда текширилган дидактикага оид янгиликлар, тартиб-қоидаларни жорий этишнинг мажбурийлигини тақазо этади. Бу янгиликлар таълимнинг тараққиёт манбаи бўлиб ҳисобланади. Таълим тизимидаги сусткашлик, ҳаракатсизлик таълим амалиётини инқирозга учрашидаги муҳим сабаблардан бири. а) ПТ га алоқадор бўлган иккинчи жиҳати таълим мазмунини узлуксиз янгилаб бориш талаблари билан боғлиқдир. Бу йўналишда олиб бориладиган ишлар биринчи навбатда ўқув дастурларидан аҳамияти кам бўлган материалларни чиқариб ташлаш мақсадини белгилайди. Натижада талабалар (ўқувчилар)да фан тўғрисида мантиқий ва кўрсатмали тимсол шакллансин, уларни тушуниб етиши енгиллашсин, эгаллаган билимларини амалиётга қўллаш имконияти вужудга келсин.

б) илмий-техник ахборотларнинг кўплиги ва кенглиги фан-техника ютуқлари асосида ўқув дастурларини мунтазам равишда модернизациялашни тақазо этади.

2. ўқув жараёнини **мақбуллаштириш** (оптимизация). Бу ўқитувчи ва ўқувчиларнинг кам куч сарфлаб мақсадга эришишидир (вақт, сифат, юқори натижа). Бунга эса ўқитишда оптимал шароит яратиш эвазига эришиш мумкин.

3. **Илмийлик** таълимда янги воситалар, фаол методлар, дидактик материалларни, ташкилий масалаларнинг янги ечимларини қўллашни тақазо этади.

Ўқитиш назарияси ва ўқув-тарбиявий ишларни такомиллаштириш техникасини мунтазам равишда ривожлантириш шарт. Шундагина замонавий таълим (олий, ўрта, махсус, касб-ҳунар) тўғрисида ижобий гапириш мумкин. Бу эса ўз навбатида таълим-тарбия жараёнини узлуксиз тадқиқ қилишни, унинг натижаларини амалиётга жорий этишни кўзда тутади.

4.Талаба ва ўқитувчининг **дастурли фаолияти** ўқув жараёнидан жамики ортиқ ҳаракатларни йўқотишга, юқори ҳамжиҳатликни таъминлашга, керакли натижаларни қўлга киритишга интилишни талаб этади. Ўқув жараёнини ташкил этишда ўқитувчи «конструктор» сифатида фаолият кўрсатиши керак. Бошқача айтганда фақат таълим мақсадини аниқ тасаввур этадиган, ўтилаётган ўқув материалининг мазмунини чуқур биладиган, ўқитиш техникаси ва методларини яхши эгаллаган ўқитувчигина ўқитиш жараёни учун зарурий шарт-шароит ярата олади ва уни амалга оширади.

5. Таълимни фаоллаштирувчи **ахборот технологияси ва техник** воситалардан, улардан фойдаланиш самарасини белгилайдиган дидактик материаллардан кенг фойдаланиш замонавий ПТ нинг энг асосий белгиларидан биридир. Миллий дастурда ўқув-тарбиявий жараённи бошқаришнинг бу муҳим воситасига алоҳида урғу берилган. Бироқ ахборотли воситалар (компьютер, электроника, алоқа, радио, телевединие) дан фойдаланиш даражаси икки омил билан аниқланади:

а) ўқув жараёни учун бундай воситаларнинг самара берадиган мазмунини аниқлайдиган дидактик материалларни ишлаб чиқиш;

б) ўқитувчиларнинг ўз амалий фаолиятларида техник воситалари ва дидактик материаллардан методик жиҳатдан тўғри фойдалана олиш тайёргарлигини текшириш.

6. Ўқув жараёни учун **моддий-техника базасининг** мақсадга мувофиқлиги ПТнинг навбатдаги белгисидир. Ўқувчи ва ўқитувчиларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун замонавий база яратиш, унинг таркибий тузилишини лойиҳалаш ҳам ўз навбатида назарий ва эмперик тадқиқотлар асосида амалга оширилади. Ўқитишнинг техник воситаларидан фойланишда ҳам қатор архитектурага оид ечимлар ўқув биноси яратилаётганда ҳисобга олиниши ва тегишли қулай шароитлар (иқлим, акустика, ёруғлик, мебел ва ҳоказо) таъминланиши лозим. Демак, аудиториядан тортиб то полиграфия базаси ҳам ўқитиш воситалари таркибига кириб, уларсиз замонавий ўқитиш жараёнини қуриб бўлмайди.

7. Ўқув-тарбиявий жараён натижаларини **сифатли баҳолаш** ПТ нинг ўз олдига қўйган натижавий мақсадидир. Бу борада мамлакатимиз таълим муассасаларида жорий этилган рейтинг-тест тизимини эслатиш кифоя. Айниқса талаба (ўқувчи)лар билим ва кўникмаларининг автоматлаштирилган назорат воситаларидан фойланиб амалга оширилиши ПТ шуғулланиши лозим бўлган йўналишдир.

Шундай қилиб, бу мавзу бўйича ўтказилган назарий тадқиқотимиз таҳлили асосида қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

Замонавий педагогик технология ўзининг педогогика ва бошқа фан ютуқлари билан боғлиқ хусусий назариясига эга; у биринчи галда ўқув-тарбиявий жараённи илмий асосда қуришга йўналтирилган; ўқитишнинг ахборотли воситаларидан ва дидактик материллардан, фаол методлардан кенг фойланишга асосланган ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолиятига замин яратади.

**Нурали САЙИДАҲМЕДОВ,
педагогика фанлари доктори, профессор**

